


Мажмуа қурилиши жадаллик билан илгариламоқда...



18:38 / 29.10.2018 5157

Маълумки, жорий йилнинг 9 февраль куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги мажмуа қуриш ва унга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини бериш ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда [хабар берилган эди.](#)

Image not found or type unknown



Бугун мажмуада қурилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Пойтахтнинг Чилонзор туманида барпо этилаётган ҳамда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи бериладиган мажмуанинг қурилиши, унинг кўриниши кўпчиликни қизиқтириши табиий.


Image not found or type unknown



Лойихага кўра, мажмуа ҳудуди намозхона, аёллар намозхонаси, таҳорат хоналари, минора, 3 та кириш пештоқи, “Сўгалли Ота” мақбараси, анжуманлар саройи, ташқи ва ички фавворалар, масжид ва унинг саҳни, автоуловлар учун тўхташ жойи ва ҳ.к.лардан иборат эди.


Қарийб саккиз ойдан буён лойиха амалдаги ўз тасдиғини топмоқда. Яқинда мажмуа масжидининг бош гумбази қад ростлади ва унга ҳилол ўрнатилди. Ундан ташқари, аёллар намозхонаси, таҳорат хоналари, 2 та минора, ташқи ва ички фавворалар, масжид саҳнининг қурилиши режали асосда олиб борилмоқда. Бунда, уста-қурувчиларнинг фидокорлиги, ғайрату шижоат билан меҳнат қилаётганлари, албатта таҳсинга сазовор.

Image not found or type unknown



Шунингдек, мажмуа ёнидан музей ҳам қад ростламоқда. У ерда шайх ҳазратларининг умр йўлига оид қимматли маълумотлар, уларнинг илмий меросини жамлаш режалаштирилган.

Image not found or type unknown



Худудда ўзгача чирой бахш этувчи Анжуманлар саройи, лойиҳага кўра 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий майдони 591,4 м² ташкил этади.

Image not found or type unknown



Азиз ўқувчилар! Мажмуа қурилиши билан боғлиқ жараёнларни ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизда кузатиб боринг!